

Нафакат китобатчилик соҳаси, балки умумбашарий маданиятнинг шаклланиши ва ривожланишида коғознинг кашф этилиши жуда муҳим аҳамият касб этади. Коғоз ихтиро этилгунга қадар қадимда кўлёзма китоб учун ашё сифатида папирус, тери, пергамент, газлама-мато, суяк, сопол, дарахт пўстлоги ва тахта қабилардан фойдаланиларди. Хар бири муайян давр учун ўзига хос аҳамиятга эга бўлган ушбу ёзув воситалари баъзи бир қамчилик ва нуқсонлардан ҳам холи эмасди.

Хусусан, папирус енгил бўлса-да, ўта нозик, сопол эса салга синаверган, газлама мато эса тез тўзиб, чиришга мо-йил бўлган. Бундан ташқари, ушбу ёзув ашёларининг кўпчилиги қурт-қумурскаларга ем бўлган. Қадимги кўлёмаларнинг аксарияти бизгача етиб келмаганлигинининг сабабларидан бири ҳам шунда. Аждодларимиз ўз ёзувларини зарур ҳолларда тош ва қояларга ҳам ёзишган. Сопол тахтачаларга ёзиш кўпроқ Шаркка хос эди. Ёзув аёси сифатида папирусдан фойдаланиш кенг авж олган даврларда ҳам Шарк халқлари сопол тахтачаларни истеъмолдан чиқариб ташламаган. Улар баъзи хабар ва -қайдларни ёзишда ҳамда ҳисобларни юритишда барибир кўл келаверган. Хар икки томонига мум суртилган ёғоч тахтачалардан мактаблардаги дарс машгулотларида фойдаланилган. Уларда ўқувчилар машқларни бажаришган. Катталар уни почта қоғози сифатида ишлатишган. Аммо бу ашёлар (сопол, мумли ва тошталар)га йирик бадиий асарларни ёзиш қийинчилик тугдирарди. Натижада доимий изланишда бўлган аждодларимиз папирусни кашф этишди.

Қадимги ўзбек китобатчилигида ҳам ўрама қоғоз кенг қўлланиларди. Бундан ташқари, кўлёзма китоблар дафтар ҳамда бизга яхши маълум бўлган Шарк кўлёмалари шаклида тайёрланган. Шаркшунос олим Қосимжон Содиков олиб борган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, китоб тайёрлашнинг ўрама қоғоз шакли қадимги туркларда, айниқса, монғий жа-моаларида шухрат топган бўлиб, йирик -ҳажмли монғий ёдгорликлари ана шу усулда китобат қилинган. Ўрама қоғоз усулини буддийлар ҳам, сўғдлар ҳам қўллаган. Бундан маълум бўладики, ушбу китобат тури ҳудудий ўзига хосликка эга бўлиб, Марказий Осиё халқларининг ўзаро маданий алоқалари таъсирида юзага келган.

Дунё маданий тараккиётида Шарк китобатчилик санъатининг ўзига хос ҳамда бетакрор ўрни бор. Қўхна Шарқда, хусусан, Ўрта Осиёда китобатчилик соҳасининг шаклланиши ва тараккий этиши Шарк -дунёсида илк бор айтилиши шу ҳудуд бағрида қоғоз ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилганлиги билан узвий боғлиқдир. Манбалардан маълумки, эрамининг ИИ асрида Хитойда қоғознинг кашф этилиши ва ишлаб чиқарила бошланиши дунё микёсида китобатчиликнинг тез суръатлар билан ривожланишига туртки бўлди. Хитойликлар сердаромад соҳа ҳисобланган қоғоз ишлаб чиқаришни қанчалик сир тутмасинлар, ВИИИ асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан, Самарқандда ҳам Хитой қоғози сингари сифатга эга маҳсулот тайёрлана бошланди. Чунки Самарқандда қоғоз ишлаб чиқариш учун керакли бўлган хомаш-ёнинг барча турлари -ипак, пахта, қаноп, қамиш, похол, тут новдаси пўсти кўп эди. Шу тариқа Самарқанд қоғозининг доғруғи қиска вақт ичида дунёга таралди.

Самарқанд қоғозининг яратилиши хусусида тарихий манбаларда турлича фикрларни

учратиш мумкин. VIII асрда хали Европада папирус ва пергамент асосий ёзув ашёси сифатида фойдаланилаётган бир вақтда Шарк мамлакатларида аллақачон коғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Бу эса Араб халифалигига қарашли барча юртларда, айниқса, ҳозирги Ўрта Осиё ҳудудида қўлёзма китобларнинг ёйилишига кенг имконият яратди. Дамашқда энг сифатли коғоз ишлаб чиқарилганлиги, бизгача етиб келган ва илк араб коғоз китобининг Дамашқ (ўрама) китоби деб номланганлиги тарихий манбаларда далиллар билан асосланган. Баъзи олимларнинг фикрича, Ўрта Осиё ҳудудида, хусусан, Самарқандда коғоз ишлаб чиқариш Араб халифалигига қадар ҳам мавжуд эди. 1931 йили Мугтепа тоғидан топилган Самарқанд ҳукмдорларига оид ҳужжатлар ҳамда Тупроққалъада қўлга киритилган Хоразм архив материаллари Сўғдиёна, Хоразм ва Бактриядаги коғозга ёзилган маҳаллий қўлёзмаларнинг араблар босқинидан авалги даврларга оидлигини асослайди. Баъзи тарихчиларнинг фикрича, самарқандликлар коғоз ишлаб чиқариш сирларини 751 йили Таласда бўлиб ўтган жангда Зиёд ибн Солих томонидан асирга олинган хитойлик коғоз усталаридан ўрганишган. Туркиялик тарихчи олим, профессор Карабажек олиб борган тадқиқотларга қўра, коғознинг эски увода ёки латта-путталардан тайёрланиши самарқандликларнинг кашфиёти сифатида тал-кин қилинади. Чунки Самарқандда X асрга қадар, аниқроғи 940 йилгача уводадан коғоз тайёрлаш иши йўлга қўйилган, деб эътироф этилади. Лекин баъзи манбаларда уводадан коғоз тайёрлаш технологияси Хитойда эрамининг иккинчи асридан эътиборан мавжуд бўлганлиги ҳақидаги фикрлар ҳам бор. Нима бўлганда ҳам, X асрнинг охирига келиб, Самарқанд коғози ислом мамлакатларида папирус ҳамда пергамент ўрнини тамоман эгаллади.

Ўрта асрларда коғоз ишлаб чиқариш сердаромад соҳага айланди ва бундан катта фойда олина бошланди. Самарқанд ўз коғозини халифаликнинг бошқа вилоятларига ҳам сотишни йўлга қўйди. Бу коғоз турининг Европа бозорига етказиб берилиши у ерда илгари ёзиш учун асосий ашё сифатида ишлатилиб келинган папирус, чарм, пергамент кабиларнинг ўрнини энди коғоз эгаллашига ва бу эса нафакат Европа, балки бутун дунё маданий таракқиётининг юксалишига сезиларли туртки бўлди.

Самарқанд коғозини тайёрлаш тахминан уч юз йил давомида сир тутиб келинди. Факатгина XI асрга келиб бу коғоздан андоза олган ҳолда, дастлаб, Ироқ ва Сурияда коғоз тайёрлана бошланди. Кейинроқ тарихда «араб кўприги» деб ном олган Миср, Шимолий Африка ва Марокаш орқали Испанияга ҳам Самарқанд коғозини тайёрлаш технологияси етиб келди. XII аср-га келиб махсулот тайёрлаш сирлари бутун Европага ёйилди. Испанияда XIII аср бошларида, Италияда 1276 йил, Франсияда 1348 йил, Олмонияда 1390 йилларда илк коғоз ишлаб чиқариш корхоналари қурилди. Рус давлатида XIV аср ўрталарида коғоз ишлаб чиқарила бошланди.

Ўрта Осиёни Чор Россияси истило қилгач, бу ерда коғоз ишлаб чиқариш тўхтатиб қўйилди. Ўрта Осиёда коғоз Самарқанддан ташқари Бухоро, Қўқон шаҳарларида ва уларнинг теварак-атрофида жойлашган қишлоқларда ҳам ишлаб чиқарилган. Венгер олими Херман Вамбери Бухорода тайёрланган коғоз ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Бухорода тайёрланган ёзув коғозларининг шухрати нафакат Туркистонга, балки қўшни давлатларга ҳам таралгандир. Бу коғозлар ипакдан тайёрланган бўлиб, силлиқлиги ҳамда нозиклиги билан араб ёзуви учун жуда қулай бўлган».

Когоз тайёрлаш учун керакли хомашё (эски кўрпа, тўн кабилардан ажратиб олинган увада ва латта)лар ранги бўйича саралаб олинган. Саралашдан мақсад рангли латталар алоҳида ажратилиб, улардан нарсаларни ўраш учун мўлжалланган дагал когозларни тайёрлашда фойдаланилган. Саралаб олинган латталар обжувозда икки соат давомида тортилган.

Когоз ишлаб чиқарувчи махсус тегирмонларга нисбатан форсча-тожикча сўз ясалишидаги жувози когоз, оби жувоз, корхонаи когозбардори терминлари қўлланган. Бундай устахоналарда тортилган латта уни сурпга солиниб, сувда яхшилаб чайилган. Кейин суви сиқиб ташланган. Сўнгра 5 пуд латта талконига 1 пуд ишкор ва 1/2 пуд охактош қўшиб, яна обжувозда бир соат давомида тортилган. Хосил бўлган коришма талкон 10 кун офтобга қўйилган. Бунда коришма рангсизланган ва қуёш нури таъсирида ёгсизланган. Шундан сўнг коришма яна обжувозда тортилган, сувда чайилган. Иккинчи бор юкорида кўрсатилган нисбатда ишкор ва охактош қўшилиб обжувозда тортилган. Сўнгра коришма талкон яна 10 кун давомида офтобда сакланиб, яна обжувозга солиб, 15 кун мобайнида тортилган. Шу тарика когоз хом ашёси - хамирсимон бўтка тайёр бўлган. Тайёр когоз бўткаси сиқилиб, махсус идишларга (камишдан тўкилган копга) солиб қўйилган. Айрим холларда когозга саргиш ранг бериш учун когоз бўткасини охириги марта обжувозга солишдан олдин унга тухмак (когозга ранг беришда ишлатиладиган вохаларда ўсадиган сарик гулли ўсимлик гулидан тайёрланган сарик ранг) ва ширач (сирач - пиёзгулликларга мансуб, адир ва тоғларда ўсадиган кўп йиллик ўсимлик илдизи кукунидан тайёрланган ёпишқок бўтка) қўшилган. Когозни куйишда махсус тўрдан ва тут новдасидан тўкилган четандан фойдаланилган. Махсус тўрни тайёрлашда кўпроқ от кили ишлатилган. Когоз куйилишидан олдин четан устига тўр тўшалган ва унинг устига когоз бўткаси бир хил юпкаликда ёйиб чиқилган. Бунда когознинг калинлигига алоҳида эътибор берилган, чунки унинг канчалик калин ёхуд юпка бўлиши ана шу ерда белгилаб олинарди. Бу жараённинг осонроқ кечиши учун когоз бўткаси ёйишдан аввал сувга кориштирилиб олинган. Зарур холатларда когоз бўткаси икки бор ёйилган. Четан устидаги когоз бўткасидан сув тўла томиб бўлганидан кейин куюклашган когоз латта тўшалган тахтакачга қўчирилган. Тахтакач устига когоз ёймаси устма-уст килиб тахланган. Бунда улар ўртасига латта қўйиш шарт эмасди, чунки анча силқиб котиб қолган когоз ёймалари бир-бирига ёпишмаган. Шу тарика бир кечада 240 саҳифадан иборат когоз бос-тирмаси юкнинг ортиб бориши ҳисобига сувдан тўла халос этилган. Хосил бўлган когоз варақларига юпка килиб бугдой унидан тайёрланган сирач елими сурилган ва қуритиш учун сувалган деворга ёпиштириб қўйилган. Маълум муддатдан кейин қуриган когоз варақалари девордан ажратиб олинган ва махсус пичок ёрдамида керакли ўлчам бўйича кесиб чиқилган. Сўнгра бугдой унидан тайёрланган охорли сирач олдин когознинг бир томонига, сўнгра иккинчи томонига суркаб чиқилган. Тайёр бўлган когозга ишлов бериш учун улар нок дарахтидан ишланган тахтакачга қўйилиб, тошўқлов ёрдамида пардозланган. Зарур бўлганда охириги жараён икки-уч бор такрорланган. Когоз тўлик қуриши учун дорга осиб қўйилган. Кўп холларда, когознинг янада жилдор бўлиши учун уни етти мартагача пардозлашган.

Когозгарлик ХВ-ХВИ асрларда ху-нарманд-чиликнинг муайян бир тури сифатида тўлик шаклланди. Бу соҳа билан шугулланувчи хунарманд-усталар авлоди вужудга келди.

Хусусан, XVI асрда самарканд-лик коғозгар уста Мир Иброҳимнинг номи жуда машҳур эди. Хатто, уста Мир Иброҳим томонидан коғоз тайёрлашнинг янги бир усули ишлаб чиқилди. Унга кўра тайёрланган коғознинг ичида бир тангалик доира шаклидаги оппоқ «сув белгиси» бўлган. Ҳар қандай шароитда ҳам коғозни мана шу белгисига қараб бошқаларидан осонгина ажратиш олиш мумкин эди. Буни ҳозирги тилда айтидиган бўлсак, маҳсулотнинг ўзига хос маркаси сифатида, унинг сохталаштирилишининг олдини олган бир чора деб ҳам қабул қилиш мумкин.

Иброҳимжон Йўлдошев,

Низомий номидаги ТДПУ профессори, филология фанлари доктори